

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ШОДМОНОВ ЖАҲОНГИР АЛИШЕР ЎҒЛИ**

**УРОЛОГИК ЯЛЛИҒЛАНИШЛИ КАСАЛЛИКЛАРДА РЕГИОНАР  
ЛИМФА ТУГУНЛАРНИНГ БАРЬЕР, ДРЕНАЖЛИ ВА  
ЛИМФОЦИТОПОЭТИК ФУНКЦИЯЛАР ПАТОМОРФОЛОГИЯСИ**

**14.00.15 - Патологик анатомия**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Шодмонов Жаҳонгир Алишер ўғли**

Урологик яллиғланишли касалликларда регионар  
лимфа тугунларнинг барьер, дренажли ва лимфоцитопозетик  
функциялар патоморфологияси..... 3

**Шодмонов Жаҳонгир Алишер угли**

Патоморфология барьерной, дренажной и лимфоцитопозетической  
функций регионарных лимфатических узлов при урологических  
воспалительных заболеваниях..... 25

**Shodmonov Jakhongir Alisher ugli**

Pathomorphology of the Barrier, Drainage and Lymphocytopoietic  
Functions of Regional Lymph Nodes in Urological  
Inflammatory Diseases..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 53

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ШОДМОНОВ ЖАҲОНГИР АЛИШЕР ЎҒЛИ**

**УРОЛОГИК ЯЛЛИҒЛАНИШЛИ КАСАЛЛИКЛАРДА РЕГИОНАР  
ЛИМФА ТУГУНЛАРНИНГ БАРЬЕР, ДРЕНАЖЛИ ВА  
ЛИМФОЦИТОПОЭТИК ФУНКЦИЯЛАР ПАТОМОРФОЛОГИЯСИ**

**14.00.15 - Патологик анатомия**

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.4.PhD/Tib4090 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Исраилов Ражаббай**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Нишанов Данияр Анарбаевич**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Хамидова Фариди Муйиновна**

тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Хожа Аҳмад Яссавий номидаги қозоқ-турк  
халқаро университети  
(Қозоғистон Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.

(2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.И.Шайхова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.Ш.Алимухамедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Р.Дж.Усманов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда сийдик йўллари инфекцияси (*СЙИ*) энг кенг тарқалган бактериал инфекция турларидан бири ҳисобланиб, соғлиқни сақлаш соҳасидаги долзарб муаммолардан биридир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (*ЖССТ*) маълумотларига кўра, «...йилига СЙИ юз миллионлаб ҳолатларда қайд этилади, у асосан, аёлларда - тахминан ҳар икки аёлнинг бири ҳаёти давомида бир марта бўлса СЙИ натижасида қайт қилинган хасталикларга дучор бўлади. 2019 йили дунёда СЙИ клиник ҳолатлари 404 млн инсонда қайд этилган, АҚШда барча амбулатор қатновларнинг 0,9% СЙИга тўғри келади, бу эса муаммони глобал кўламли эканини билдиради...»<sup>1</sup>. Шифохонага ётқизилган беморлар орасида СЙИ нозокомиал инфекциялар даражаси бўйича нафас йўллари инфекцияларидан кейин иккинчи ўринда туради. Бу, асосан, сийдик пуфагини катетерлаш билан боғлиқ ҳолатларда кузатилади. Ресурслари чекланган давлатларда СЙИ кўп ҳолларда ўз вақтида ташхисланмасдан ва даволанмасдан қолиб кетади, бу эса пиелонефрит ва сурункали буйрак етишмовчилиги каби асоратларга олиб келади. Шундай қилиб, СЙИ билан боғлиқ касалланиш ҳолатлари ва уларнинг иқтисодий йўқотишларга сабаб бўлиши жаҳон миқёсида муҳим муаммо бўлиб қолмоқда. Бу касалликлар патогенези нафақат сийдик йўллари ва жинсий аъзоларининг яллиғланиши билан, балки соҳавий лимфа тугунлари - маҳаллий лимфа тугунлари орқали шаклланидиган тизимли иммун жавоб билан ҳам боғлиқдир. Ушбу тузилмалар иммун жавобнинг шаклланиши, антигенларни фильтрация қилиш ва инфекция тарқалишини чеклашда муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда урологик яллиғланишли касалликларда регионар лимфа тугунларининг барьер, дренажли ва лимфоцитопозитик вазифаларини патоморфологик кўрсаткичлар асосида баҳолашни такомиллаштириш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада яллиғланиш табиатли урологик касалликларда регионар лимфа тугунларининг дренаж ва барьер фаолиятига оид морфологик ўзгаришлар, шунингдек, уларда ривожланидиган лимфоцитопозитик фаолиятнинг патоморфологик хусусиятлари, простатитнинг турли босқичларида кузатиладиган лимфоцитопозитик вазифаларга хос морфофункционал ўзгаришларни баҳолаш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон стандартлари талабларига мослаштириш, жумладан, юқумли касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва асоратларини олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган етти устувор йўналиш доирасида аҳолига тиббий

---

<sup>1</sup>Zhilin Zeng, Juan Zhan, Kaimin Zhang, Huilong Chen. Sheng Cheng Global, regional, and national burden of urinary tract infections from 1990 to 2019: an analysis of the global burden of disease study 2019. World Journal of Urology (2022) 40:755-763 <https://doi.org/10.1007/s00345-021-03913-0>

хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда урологик яллиғланишли касалликларда регионар лимфа тугунларининг барьер, дренажли ва лимфоцитопозитик функцияларини патоморфологик кўрсаткичлар орқали баҳолашга қаратилган тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятига принципиал янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика бўйича ишлар самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлашнинг комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Охириги 10 йилликда келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики (В.И.Стародубов, А.И.Иванова, 2009; М.А.Шарафутдинов, 2011), дунё аҳолиси орасида сийдик айирув аъзолари касалликлари беморларнинг ҳаёт сифатини пасайтиришда муҳим аҳамият касб этади (В.О.Щепин, Л.Ф.Молчанова, А.А.Калининская ва б., 2011; Ф.А.Севрюков, 2012; J.Coresh, A.S.Levey, E.Balk et al., 2003). Россияда урологик касалликлар учраши 10-12% ни ташкил этади ва бу ҳолат бир қатор иқтисодий ҳамда ижтимоий муаммоларга сабаб бўлади (Н.А.Лопаткин, В.А.Максимов ва б., 2019). Шу билан бирга, ҳисобга олинган урологик касалликлар 100 минг аҳолига 26,7% гача ошгани қайд этилган. ЖССТ статистикасига кўра, эркаларда репродуктив ва сексуал саломатлик ҳолатидаги бузилишлар 40% га ошган, 70 ёшдан ошганларда эса бу кўрсаткич 67% ни ташкил этган (П.Г.Гаджиева, 2014; Г.Вагнер, Р.Грин, 2015; Н.П.Гончаров, 2017; А.А.Артюхин, 2019). Лимфоцитларнинг хелпер функциясининг антигенларга нисбатан жавоб реакцияси етишмаслиги организмда микроорганизмларнинг персистенция ҳолатида сақланишига

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

сабаб бўлади (Р.М.Хаитов ва б., 2009). Сийдик тош касаллиги урологик касалликлар тузилмасида юқумли яллиғланишли урологик касалликлардан кейинги иккинчи ўринни эгаллайди. ЖССТ (2010) маълумотларига кўра, сийдик тош касаллигининг тарқалиши АҚШда 14%, Россияда - 5,7%, Испанияда - 5,6%, Бразилияда - 5%, Тайванда - 7,4%, Туркияда - 14,8% ни ташкил этган, араб давлатларида эса 20% дан юқори кўрсаткич қайд этилган.

Ўзбекистонда турли орган ва тизимларнинг морфофункционал ҳолатларидаги ўзгаришларни баҳолаш бўйича қатор илмий ишлар амалга оширилмоқда (М.С.Абдуллаходжаева, 2015; Н.Х.Шомирзаев, 2020; У.М.Миршарапов, 2024; Р.И.Исраилов, 2020; Х.З.Турсунов, 2022; Д.А.Нишанов, 2024). Бироқ, урологик яллиғланишли касалликларда регионар лимфа тугунларининг барьер, дренажли ва лимфоцитопозитик вазифаларини патоморфологик кўрсаткичлар асосида баҳолаш тартиби ҳали ҳам такомиллаштирилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, урологик касалликларда, жумладан, пиелонефрит ва простатит билан боғлиқ ўлим ҳолатларида олинган аутопсия материаллари асосида регионар лимфа тугунларининг патоморфологик хусусиятлари етарлича ўрганилмаганлигини инобатга олган ҳолда тадқиқотларни амалга ошириш зарурлигини тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №005.01.1500216 «Турли хил тажрибавий патологияларда иммун ва ҳазм тизими аъзоларининг постнатал ривожланишида организм ҳаёт фаолияти кўрсаткичларининг функционал-метаболик ва структур тавсифлари» (2018-2022 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** урологик яллиғланишли касалликларида регионар лимфа тугунларининг барьер, дренаж ва лимфоцитопозитик фаолиятига хос бўлган морфологик иммуногистокимёвий ўзгаришларни баҳолашни такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

сурункали пиелонефритда олинган материалларда регионар лимфа тугунларининг дренаж ва барьер фаолиятининг морфологик ўзгаришларини баҳолаш;

сурункали простатитда олинган аутопсия материалларида регионар лимфа тугунларининг дренаж ва барьер фаолиятининг морфологик ўзгаришларини баҳолаш;

сурункали пиелонефрит ва простатида регионар лимфа тугунларида ривожланадиган лимфоцитопозитик фаолиятини патоморфологик ўзгаришларни иммуногистокимёвий усуллар ёрдамида баҳолаш;

простатитнинг турли босқичларида регионар лимфа тугунларида ривожланадиган лимфоцитопозитик вазифага хос патоморфологик ўзгаришларни баҳолашни такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика урология илмий амалий марказида 2018-2022 йиллар давомида яллиғланишли сурункали пиелонефрит ва простатитдан вафот этган мурдаларнинг аутопсия регионар лимфа тугунлари ва биопсия текшируви мақсадида олинган лимфа тугунлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни яллиғланиш табиатли урологик касалликларнинг барьер ва дренаж функцияси, ҳар бирида регионар лимфа тугунларининг лимфоцитопозитик ўзгаришларига хос бўлган патоморфологик ўзгаришларни ойдинлаштириш материаллари ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда яллиғланиш табиатли урологик касалликларнинг барьер ва дренаж фаолиятида регионар лимфа тугунларининг лимфоцитопозитик ўзгаришларига хос бўлган патоморфологик ўзгаришларни баҳолашни такомиллаштиришда морфологик, морфометрик, иммуногистохимик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

бактериал инфекцияли пиелонефритда регионар лимфа тугунларининг барча морфофункционал майдонларининг гиперплазияси, бирламчи ва иккиламчи лимфоид фолликулалар герминатив майдони ва лимфоцитар халқасининг кенгайиши натижасида патоморфологик ўзгаришларнинг хусусиятлари аниқланган;

бактериал инфекцияли пиелонефритда регионар лимфа тугунларининг морфофункционал майдонларининг мағиз қават синусоид ва юмшоқ тасмаларининг лимфоцитлар билан тўлиши, плазматизация юз бериши В-ҳужайрали лимфоцитопоз ривожланишининг хавfli омилларининг ўрни исботланган;

сурункали простатитда иммун тизимнинг гипофаоллиги регионар лимфа тугунларларнинг морфофункционал майдонлари атрофияланганлиги, лимфоид фолликулалар ҳажмининг кичрайиши, хужайралари сийраклашганлиги, мағиз қават синусоидлари, юмшоқ тасмаларида лимфоид хужайралар миқдори камайганлиги билан намоён бўлиши исботланган;

бактериал инфекцияли пиелонефритда ва сурункали простатитда регионар лимфа тугунларида Т ва В-лимфоцитлар тарқалиши, Т-лимфоцитларни субпопуляциялари ва бошқа турдаги хужайраларнинг ўзгаришларни ташхиллашда CD3, CD4, CD20, CD69, Ki67, BcL2 антигенлардан фойдаланилган ҳолда баҳолаш тартиби ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

эркакларда яллиғланишли урологик касалликларнинг клиник-анамнестик таҳлили орқали ҳолати баҳоланган;

яллиғланишли урологик касалликларда организмнинг ички химоя вазифасини амалга оширадиган регионар лимфа тугунларда дренажлаш, барьерли ва иммун тизим хужайралари бўлган лимфоцитларни яратиш вазифасига хос морфологик ўзгаришлар батафсил ёритилган;

эркакларда яллиғланишли урологик касалликларнинг этиопатогенетик омилларига қараб, айрим ҳолатларда регионар лимфа тугунларининг дренаж вазифаси устунлиги аниқ ажратиб кўрсатилган;

эркакларда яллиғланишли урологик касалликларнинг этиопатогенетик омиллари доирасида барьерли вазифанинг аҳамияти баҳоланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларни бири иккинчисини тўлдирадиган морфологик, морфометрик, гистокмиёвий, электрон микроскопик ва статистик текширув усуллари асосида инфекцион яллиғланишли урологик касалликларда регионар лимфа тугунлардаги дренаж, барьер ва лимфоцитопозитик функциясини тасдиқловчи морфологик ўзгаришлар ҳақидаги маълумотларни халқаро ҳамда маҳаллий адабиёт маълумотлари билан таққослангани, олинган натижалар асосида тузилган хулосалар ваколатли тизимлар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти яллиғланиш табиатли урологик касалликларда регионар лимфа тугунлар барьер вазифасини морфологик жиҳатдан синуслари бўшлиғида ҳар хил таркибли, яъни тўқима фрагментлари, оксил, ёғ ва углеводлар, майда думалоқ-думалоқ шакли, занжир кўринишида жойлашган стрептококклар, алоҳида-алоҳида тўпламлар пайдо қилган стафилакокклар, ҳар хил турдаги таёқчасимон бактерия, бацилла ва бошқа турдаги микроорганизмлар мавжудлиги, улар атрофида макрофаг, лейкоцит ва лимфоцитлар жойлашганлиги билан намоён бўлганлигининг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эркаклар яллиғланишли урологик касалликларнинг клиник-анамнестик таҳлилида яллиғланишли урологик касалликларнинг ҳар бирида организмнинг ички ҳимоя вазифасини амалга оширадиган регионар лимфа тугунларда амалга ошадиган дренажлаш, барьерли ва иммун тизим хужайралари бўлган лимфоцитларни яратиш вазифасига хос морфологик ўзгаришларда лимфоцитларни яратиш, такомиллаштириш ва дифференциаллаш каби лимфоцитопозитик функцияси асосий ўринни эгаллаши ҳақидаги маълумотлар бу касалликлар билан курашишда ички ҳимоя тизимнинг морфофункционал ҳолатини билишда фундаментал асос бўлганлиги, В-лимфоцитар майдонлар гиперплазияланганлиги, паракортикал майдоннинг кескин атрофияланиши ва унда хужайралар миқдорининг камайиши В-лимфоцитопозитининг кучайганлиги, Т-лимфоцитопозитининг фалажланганлигини кўрсатганли билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инфекцион яллиғланишли урологик касалликларда регионар лимфа тугунлардаги дренаж, барьер ва лимфоцитопозитик функциясини тасдиқловчи морфологик ўзгаришларни ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилик:* бактериал инфекцияли пиелонефритда регионар лимфа тугунларининг барча морфофункционал майдонларининг гиперплазияси, бирламчи ва иккиламчи лимфоид фолликулалар герминатив майдони ва лимфоцитар халқасининг кенгайиши натижасида

патоморфологик ўзгаришларнинг хусусиятлари очиб берилганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 26 февралда 02-24/261-t-сон билан тасдиқланган «Йирингли пиелонефритда регионар лимфа тугунларининг лимфоцитопозитик функциясини морфологик ўзгаришлар бўйича аниқлаш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Хоразм вилояти патологик анатомия маркази бўйича 09.04.2024 йилдаги 186-сон, Қорақолпоғистон Республикаси патологик анатомия бюроси бўйича 02.12.2024 йилдаги 19-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрдаги 10/75-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* бактериял инфекцияли пиелонефритда регионар лимфа тугунларининг барча морфофункционал майдонларининг гиперплазияси, бирламчи ва иккиламчи лимфоид фолликулалар герминатив майдони ва лимфоцитар халқасининг кенгайиши натижасида хасталиқни ташхислаш тартибини яхшилаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* бактериял инфекцияли пиелонефрит ташхисланган беморларнинг саломатлигини тиклаш мақсадида йилига энг камида икки марта шифохонада етти кундан даволаниш натижасида кунига ўртача 109000 сўмдан бир марталик даволаниш учун бир нафар беморга 763000 сўмни, йилига икки марта даволаниш учун 1526000 сўмни ташкил қилади. Сурункали пиелонефрит касаллигида юзага келган асоратларни олдини олишга сарфланадиган 1526000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади;

*иккинчи илмий янгилик:* бактериял инфекцияли пиелонефритда регионар лимфа тугунларининг морфофункционал майдонларининг мағиз қават синусоид ва юмшоқ тасмаларининг лимфоцитлар билан тўлиши, плазматизация юз бериши В-ҳужайрали лимфоцитопоз ривожланишининг хавfli омилларининг ўрни исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 26 февралда 02-24/261-t-сон билан тасдиқланган «Йирингли пиелонефритда регионар лимфа тугунларининг лимфоцитопозитик функциясини морфологик ўзгаришлар бўйича аниқлаш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Хоразм вилояти патологик анатомия маркази бўйича 09.04.2024 йилдаги 186-сон, Қорақолпоғистон Республикаси патологик анатомия бюроси бўйича 02.12.2024 йилдаги 19-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрдаги 10/75-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* бактериял инфекцияли пиелонефритда регионар лимфа тугунларининг морфофункционал майдонларининг мағиз қават синусоид ва юмшоқ тасмаларининг лимфоцитлар билан тўлиши, плазматизация юз бериши В-ҳужайрали лимфоцитопоз ривожланиши натижасида юзага келадиган морфологик ўзгаришларининг ўрни исботлаш орқали сурункали пиелонефритни олдини олишга сабаб бўлувчи ташхислаш ва даволаш чоратадбирлари учун фундаментал асос сифатида хизмат қилиш тартибини ишлаб

чиқиш ҳамда ташхислаш тартибини яхшилаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* бактериал инфекцияли пиелонефритнинг хавф омиллари таъсиридаги ўзгаришлар ва беморларнинг саломатлигини тиклаш мақсадида йилига энг камида икки марта шифохонада етти кундан даволаниш натижасида кунига ўртача 109000 сўмдан бир марталик даволаниш учун бир беморга 763000 сўмни, йилига икки марта даволаниш учун 1526000 сўмни ташкил қилади. Сурункали пиелонефрит касаллигида юзага келган асоратларни олдини олишга сарфланадиган 1526000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади;

*учинчи илмий янгилик:* сурункали простатитда иммун тизимнинг гипофаоллиги регионар лимфа тугунларларнинг морфофункционал майдонлари атрофияланганлиги, лимфоид фолликулалар ҳажмини кичрайиши, хужайралари сийраклашганлиги, мағиз қават синусоидлари, юмшоқ тасмаларида лимфоид хужайралар миқдори камайганлиги билан намоён бўлганлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 26 февралда 02-24/261-т-сон билан тасдиқланган «Йирингли пиелонефритда регионар лимфа тугунларининг лимфоцитопозитик функциясини морфологик ўзгаришлар бўйича аниқлаш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Хоразм вилояти патологик анатомия маркази бўйича 09.04.2024 йилдаги 186-сон, Қорақолпоғистон Республикаси патологик анатомия бюроси бўйича 02.12.2024 йилдаги 19-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрдаги 10/75-сон хулосаси).

*Ижтимоий самарадорлиги:* сурункали простатитда иммун тизимнинг гипофаоллиги регионар лимфа тугунларларнинг морфофункционал майдонлари атрофияланганлиги, лимфоид фолликулалар ҳажмини кичрайиши, хужайралари сийраклашганлиги, мағиз қават синусоидлари, юмшоқ тасмаларида лимфоид хужайралар миқдори камайганлиги билан намоён бўлган ўзгаришларнинг ўрни исботлаш орқали сурункали простатитда юзага келган асоратлар бепуштлиқ олдини олдини олиш ва самарали даволаш чора-тадбирлари учун фундаментал асос сифатида хизмат қилиш тартибини ишлаб чиқиш ҳамда хасталиқни ташхислаш тартибини яхшилаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* сурункали простатит натижасида простата безида юзага келган ўзгаришларни самарали ташхислаш ва даволаш мақсадида йилига энг камида тўртта марта шифохонада ўн кундан даволаниш натижасида кунига ўртача 109000 сўмдан бир марталик даволаниш учун бир беморга 1090000 сўмни, йилига тўрт марта даволаниш учун 4360000 сўмни ташкил қилади. Сурункали пиелонефрит касаллигида юзага келган асоратларни олдини олишга сарфланадиган 4360000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади;

*тўртинчи илмий янгилик:* бактериал инфекцияли пиелонефритда ва сурункали простатитда регионар лимфа тугунларида Т ва В лимфоцитлар тарқалиши, Т-лимфоцитларни субпопуляциялари ва бошқа турдаги хужайраларни ўзгаришларни ташхислашда CD3, CD4, CD20, CD69, Ki67,

ВсL2 лардан фойдаланилган тартибида баҳолаш тартиби ишлаб чиқилганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 26 февралда 02-24/261-t-сон билан тасдиқланган «Йирингли пиелонефритда регионар лимфа тугунларининг лимфоцитопозитик функциясини морфологик ўзгаришлар бўйича аниқлаш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Хоразм вилояти патологик анатомия маркази бўйича 09.04.2024 йилдаги 186-сон, Қорақолпоғистон Республикаси патологик анатомия бюроси бўйича 02.12.2024 йилдаги 19-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрдаги 10/75-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* бактериял инфекцияли пиелонефритда ва сурункали простатитда юзага келадиган регионар лимфа тугунларига Т ва В лимфоцитлар тарқалиши, Т-лимфоцитларни субпопуляциялари ва бошқа турдаги хужайраларни ўзгаришларни ташхислашда CD3, CD4, CD20, CD69, Ki67, ВсL2 лардан фойдаланилган тартибида баҳолаш тартиби ишлаб чиқилган исботлаш орқали бактериял инфекцияли пиелонефритда ва сурункали простатитда юзага келадиган регионар лимфа тугунларидаги ўзгаришлар натижасида юзага келадиган хасталикларни самарали тасхишлаш ва даволаш чора-тадбирларини амалга учун ташхислаш тартибини яхшилаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* бактериял инфекцияли пиелонефритда ва сурункали простатитни ташхислашда CD3, CD4, CD20, CD69, Ki67, ВсL2 маркерларидан фойдаланилган тартибида баҳолаш учун битта ташхислаш маркерига 75000 сўмдан 6 та маркерини ташхислаш учун 450 минг сўм, шифохонада ўртача ўн кундан даволаниш натижасида кунига ўртача 109000 сўмдан бир марталик даволаниш учун бир нафар беморга 4810000 сўмни ташкил қилади. Сурункали простатит ва пиелонефрит касаллигида юзага келган асоратларни олдини олишга сарфланадиган 4810000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Урологик касалликларда регионар лимфа тугунларининг яллиғланиш ҳолатини патомофологиясининг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобда маҳаллий ва хорижий адабиётлар асосида урологик касалликларда регионар лимфа тугунларини морфофункционал ҳолати, этиологияси, эпидемиологияси, учраш даражасининг ўзига хос жиҳатлари асосида қилинган изланишлар ва олиб борилган морфологик, морфометрик, иммуногистокимёвий ўзгаришлари муаммосининг ҳозирги ҳолати бўйича адабиётлар шарҳи берилган. Яллиғланишли урологик касалликларида регионар лимфа тугунларини патогенези ривожланиш механизми, морфологияси, иммуногистокимёвий жиҳатларини ечимини топишда муаллифлик ёндошуви танланган.

Диссертациянинг **«Яллиғланишли урологик касалликларни патомофологик ўзгаришларни баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобда текширишнинг материал ва усуллари баён этилган бўлиб, урологик яллиғланишли касалликларда регионар лимфа тугунларидаги ўзгаришларни клиник-анамнестик, биопсия, аутопсия материалларидаги морфологик маълумотлар асосида тасдиқланганлар аутопсиясида лимфа тугунлари олинган.

Республика патологик анатомия марказига «РИУИАТМ» даволаш муассасаларидан патологоанатомик текшириш учун олиб келинган материаллар асосан эркак жинсли марҳумлардан иборат бўлиб, улар орасида 2018-2022 йиллар давомида 57 ҳолатда жарроҳлик амалиёти ўтказилган ва амалиётдан кейин сурункали пиелонефрит ва простатит туфайли вафот этган шахслардан аутопсия материаллари олинган.

Марказга олиб келинганлар бўйича касаллик тарихи ҳужжатларидан кўчирма маълумотлар олинган. Тадқиқотни амалга оширишда қуйидаги усуллардан фойдаланилган: морфологик, морфометрик, иммуногистокимёвий ва клиник-лаборатор маълумотларни таҳлил қилиш. Лимфа тугунларини морфологик текширишда гематоксилин-эозин ва иммуногистокимёвий усуллар қўлланилган.

Ҳар бир ҳолат бўйича патологоанатомик текшириш баёномасидаги маълумотлар, амбулатор карта, касаллик тарихи ва аутопсия хулосалари ҳар томонлама ўрганилди. Касаллик тарихидан паспорт маълумотлари (*яшаш манзили, ота-онасининг Ф.И.Ш., ёши, касби, беморнинг ёши ва бошқа зарур*

маълумотлар) олинди. Амбулатор карта орқали бемор касалхонага келгунига қадар қандай касалликлар билан оғригани ва қандай даволангани ҳақидаги маълумотлар йиғилди.

Касаллик тарихи таҳлили шуни кўрсатдики, пиелонефрит билан хасталанган 22 бемордан 9 нафари ўткир яллиғланишли пиелонефрит, қолганлари эса сурункали пиелонефрит билан касалланган. Маълумотларга кўра, пиелонефрит ҳолатларининг 78,6% да кўзғатувчи сифатида ичак таёқчаси аниқланган, қолган ҳолатларда эса энтеробактер ва протейлар кузатилган.

Пиелонефрит билан хасталанган беморларнинг 82,5% да регионар лимфа тугунлари катталашган, кучли шишиш ва оғриқ билан намоён бўлган. Тос бўшлиғидаги айрим лимфа тугунлар гуруҳлари лимфоденитга учраган.

Бизнинг материалимизда бактериал простатит ҳолатларининг 71,6% да кўзғатувчи сифатида ичак таёқчаси қайд этилган.

Урологик касалликларда регионар лимфа тугунларининг дренажлаш, барьер ва лимфоцитопозитик функцияларини конфокал мультиплекс морфометрик кўрсаткичлар орқали ўрганиш учун NanoZoomer да сканер қилинган ва таҳлил QuPath-0.5.0-ImageJ (2022) дастурий таъминоти орқали амалга оширилган.

**Иммуногистокимёвий текшириш** усулда лимфа тугунлари морфофункционал фаол майдонларидаги Т ва В лимфоцитларни тарқалиши, Т-лимфоцитларни субпопуляцияларини ва бошқа турдаги ҳужайралардаги ўзгаришларни аниқлаш учун CD3, CD4, CD20, CD69, Ki67, VcL2 лардан фойдаланилган.

Моноклонал антитаначалар ёрдамида парафинга солинган биопсия материаллари стандарт усуллар ёрдамида иммуногистокимёвий текширишдан ўтказилди. Парафинли блоклардан 4 мкм қалинликдаги кесмалар тайёрланиб, буюм ойнасига олинади ва хона ҳароратида 1 кун давомида қуритилди. Бўяшдан олдин кесмалар вертикал ҳолатда 55°C ҳароратга 60 дақиқага термостатга қўйилди. Шундан кейин орто-ксиллда депарафинизация қилинди (*иккита ҳажмли батареяларда ҳар бирида 10 дақиқадан*), камайиб борувчи концентрациядаги этил спиртида регидротацияланади (*уч ҳажмли батареяларда ҳар бирида 3 дақиқадан*) ва дистилланган сувда ювилди. Кесма олинган буюм ойнаси қиздирилиб, демаскирланган буферга олинди ва 98°C ҳароратда 30-40 дақиқага сувли баняга қўйилди.

Препаратлар хона ҳароратигача совутилганидан кейин трис-буфер (рН=7,5) эритмасида ювилади. Эндоген пероксидазани блоклаш учун кесмалар 3%ли H<sub>2</sub>O<sub>2</sub> билан 15 дақиқа давомида ишлов берилди. Носпецифик боғланишларни камайтириш ва фонли бўялишларни чеклаш мақсадида 10 дақиқа давомида препаратлар Protein Block (X0909, DAKO) билан қайта ишлов берилди. Кесмалар антитаначалар қўшилмасидан олдин реактивларни тежаш ва оқиб кетишини олдин олиш учун махсус делимитацияловчи таркибга айлантирилди. Хона ҳароратида 60-120 дақиқа давомида бирламчи Ат билан инкубация амалга оширилди. Визуализация қилувчи тизим

сифатида 40 дақиқа давомида минимал экспозицияда Универсал LSAB2 KIT (ДАКО) тўпламидан фойдаланилди.

Кесмалардаги парафин 57°C термостатда ксилол ёрдамида эритилиб олиб ташланди, кейин лимфа тугунлар тўқимасининг умумий гистологик ҳолатини ўрганиш учун иммуногистохимёвий маркерлардан фойдаландик. Айнан ушбу ишимизда CD+3, CD+20 маркерларидан фойдаландик. CD+3 маркерида лимфа тугунларида мавжуд бўлган Т-лимфоцитлар мембранасидаги мултипротеинли комплексни корцептори бўлиб, шу рецепторга боғланиб, Т-лимфоцитларни аниқлаб берди. Морфологик жиҳатдан тилла сариқ ва оч жигар рангга бўялди. Бу асосан паракортикал соҳадаги Т-лимфоцитларни сон жиҳатдан аниқлашда фойдаланилди. CD+20 В-лимфоцитлар мембранасидаги оксилнинг корцептори бўлиб, В-лимфоцитни ўша рецептори билан боғланиб, тилла сариқ жигар рангга бўяди. Демак, тайёрланган блокларни махсус адгезивланган препарат ойначасига, микротом орқали кесилган материал жойланди. Кейин гематоксилин бўёғида 2 дақиқа ушлаб турилди. Махсус автоматлаштирилган (ДАКО) ускунасида CD+3, CD+20 лар махсус QR-кодлаштирилган стикерлар билан жиҳозланган препарат ойнаси юзасига қўлланди. 20 дақиқадан кейин дистилланган сув билан ювилди. Бўялган препарат ойналари юзалари қопловчи шиша ойна билан ёпилди. Ишимиз тўғри бўлганлигини текшириш учун препарат ойначаси микроскопда кўрилганда юқоридаги маркерлар билан кўйилган реакцияларда биоптатларда тилла сариқ жигар рангли хужайраларни кўрдик. Бу иш услубининг тўғри амалга оширилганини тасдиқлади. Маркерлар лимфоцитлар мембранасидаги махсус оксиллар билан реакцияга киришганда ранг ўзгариши кузатилди. Экспрессия даражаси мусбат «+» деб баҳоланиб, бу ҳолат **маркер экспрессияси** сифатида қабул қилинди.

Диссертациянинг **«Урологик яллиғланишли касалликларда регионар лимфа тугунларнинг дренаж ва барьер функцияларининг морфологик жиҳатлари»** деб номланган учинчи бобида урологик касалликлардан пиелонефритда регионар лимфа тугунларининг дренаж функциясининг патоморфологик кўрсаткичлари келтирилган.


Морфологик текширув натижалари кўрсатишича, пиелонефрит касаллигида асосан буйракнинг ҳам мағиз, ҳам пўстлоқ қавати интерстициал тўқимаси шикастланади.

Дастлаб буйракнинг мағиз қавати ретикуляр таркибли оралик тўқимасида, яъни пирамидал бўлаклари орасида сероз-йирингли экссудат ривожланиб, интерстициал тўқимаси орқали пўстлоқ қаватига кўтарилиб борди.


Яллиғланиш жараёни инфильтрацияси таъсирида каптокчалар ва эгри-бугри каналчалар деформацияга учраган. Каптокчаларда яллиғланишга жавобан капиллярларининг гиперемияланиши кузатилди. Эгри-бугри каналчалар призматик эпителийсидан оқсилли гиалин-томчили ва вакуоляр дистрофия ҳисобига шишиб катталашганлиги, бўшлиғида оқсилли модда тўплангани аниқланди (1-расмга қаранг).

Буйрак тўқимасининг пўслоқ қаватида интерстиций тузилмалари орасидаги оралик модда ушбу тўқиманинг лимфа суюқлиги ҳисобланади. Лимфа суюқлиги буйракнинг мағиз қаватида сизилиб ўтиб, у ердаги оралик тўқимада лимфа томирларининг шаклланишига олиб келиши аниқланган.

Буйракнинг мағиз қаватидаги лимфа томирлари орасида капилляр, венула даражасидаги ва кенг диаметрли синусоид типдаги лимфа томирлари мавжудлиги тасдиқланган. Пиелонефрит касаллигида ушбу мағиз қаватдаги барча турдаги лимфа томирларининг кенгайиши ва лимфостаз ривожланиши кузатилган. Айниқса, синусоид типдаги йирик лимфа томирлари анча кенгайиб, ҳатто каверноз типдаги томирлар шаклида намоён бўлгани аниқланган (2-расмга қаранг).



1-расм. Пиелонефрит. Пўстлоқ қават интерстицийсида лейкоцитар инфильтрация кузатилган. Гемотоксиллин-эозин бўёғи билан бўялган. Катталаштириш: 10×40



2-расм. Буйрак мағиз қавати. Лимфа томирининг димланиш ҳисобига кенгайиши кузатилган. Гемотоксиллин-эозин бўёғи билан бўялган. Катталаштириш: 10×100


Бу лимфа томирларининг деворлари нисбатан қалинлашган бириктирувчи тўқимадан ташкил топган бўлиб, ички эндотелий қатлами ва бириктирувчи тўқима хужайралари ҳам чўзилиб, бир-бирига параллел ҳолда жойлашган. Томир бўшлиғида тўқима суюқлиги ва қоннинг айрим хужайравий элементлари мавжудлиги аниқланган. Лимфа суюқлиги таркибида парчаланган ва деструкцияланган тўқима фрагментлари, лейкоцитлар ва ҳатто эритроцитлар ҳам аниқланган.

**Чанок бўшлиғидаги регионар лимфа тугунлар** морфологик жиҳатдан ўрганилганда қуйидаги ўзгаришлар кузатилган: лимфа тугунларининг ташқи пардаси зич жойлашган бириктирувчи тўқима хужайралари ва толали тузилмалардан ташкил топган. Унинг таркибида семиз хужайралар пайдо бўлгани кузатилган. Ушбу семиз хужайралар ўзидан биологик фаол моддалар синтезлаб чиқариб, тўқималарда гидрофиллик хусусияти пайдо қилади ва шиш ривожланишига олиб келади.


Ташқи фиброз парда остидаги периферик синусоид кескин кенгайган ва унинг бўшлиғи тўқималардан дренажланиб келган суюқлик, яллиғланиш хужайралари ва парчаланган тўқима фрагментлари билан тўлган (3-расмга

қаранг). Синусоид бұшлиғидаги хужайралар орасида нейтрофил лейкоцитлар, лимфоцитлар ва макрофаглар мавжудлиги аниқланган.

Айрим жойларида макрофаглар оқ қон таначалари билан ўзаро боғланган шаклларини пайдо қилганлиги кузатилади. Лимфа тугунга сизилиб келган тўқима суюқлиги ҳисобига тугуннинг паренхимаси бўлган пўстлоқ қават лимфоид фолликулалари таркибидаги лимфоид хужайралар парчаланиб, сийраклашганлиги аниқланади. Лимфоид фолликула таркибидаги ретикуляр хужайралар, макрофаглар ва алоҳида лимфоцитлар фаоллашганлиги, яъни уларнинг ядролари гиперхроматик ҳолатга ўтганлиги кузатилди.



**3-расм. Лимфа тугун. Периферик синусоид ичида тўқима суюқлиги, парчаланган тўқима ва хужайра таначалари тўпланиши ҳисобига синусоиднинг кенгайиши кузатилган. Гематоксилин-эозин бўёғи билан бўялган. Катталаштириш: 10×40**



**4-расм. Лимфа тугун мағиз қавати. Синусоид бұшлиғи тўқима суюқлиги ва хужайра фрагментлари билан тўлган. Гематоксилин-эозин бўёғи билан бўялган. Катталаштириш: 10×40**

Дренаж функциясининг кучайиши туфайли лимфа тугуни пўстлоқ қаватидаги лимфоид фолликулалар ва паракортикал соҳада атрофия жараёнлари кузатилган. Бунда, ташқи пардаси остидаги периферик синусоид кескин кенгайиб, мағиз қаватга кириб борадиган синусоид тузилмалар ва мағиз қаватнинг ўзидаги синусоидлар ҳам кескин кенгайган. Синусоидлар бұшлиғи тўқима суюқлиги, ундаги хужайралар ва тўқима хужайра парчалари билан тўлганлиги аниқланган (4-расмга қаранг).

Натижада лимфоид фолликулалар барча морфофункционал майдонларининг ҳажми кичиклашиши ҳисобига атрофияланиб, герминатив майдони йўқолган. Паракортикал майдони фақат лимфоид фолликулаларга туташган ҳолда, уларга яқин жойлашган бўлиб, кенг майдонни қамраб олмаган. Мағиз қават юмшоқ тасмалари нисбатан кенгайган, уларнинг таркибида ҳам стромал, ҳам лимфоид хужайралар миқдори кўпайганлигини аниқланган. Пиелонефрит касаллигининг бошланғич биринчи даврида интерстицийдаги тўқима оралиқ бұшлиғи, лимфа томирлари, регионар лимфа тугунларида синусоидларининг кенгайиб, тўқима суюқлиги, хужайралар ва

хужайра парчалари билан тўлиши дренаж функциясининг кучайганлигини кўрсатади.

Лимфа тугун ташқи пардаси ва мағиз қават юмшоқ тасмаларида қон қуйилган ўчоқларда гемосидерин пигментлар пайдо бўлганлиги топилади. Пўстлоқ қаватида айрим лимфоид фолликулалар атрофияланиб, кичиклашган бўлса, бошқаларининг майдони шиш ва қон қуйилиш натижасида кенгайганлиги кузатилди.

Диссертациянинг «Урологик касалликларда регионар лимфа тугунларининг лимфоцитопозтик функциясининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичлари» деб номланган тўртинчи бобида пиелонефрит ҳолатларининг 80% да ичак таёқчаси томонидан кўзгатилиши таъкидланган бўлиб, унинг морфологик ўзгаришлари муҳокама қилинган.

Шахсий гигиена қоидалари бузилганда, инфекция пешоб йўлларига тушиб, ретроград йўл орқали пешоб чиқариш тизимининг барча қисмларини, шу жумладан буйрак жоми, косачалари ва оралик тўқималарини яллиғлантириши аниқланган. Бу ҳолат буйрак тўқимаси ва пешоб йўллари тўқималарида веноз ва лимфатик томирларда димланишга олиб келади.

Яллиғланиш жараёни ривожланиши билан бир қаторда, компенсатор механизмлар таъсирида пиело-ренал рефлюкс юзага келиб, косачалар ва жом кенгайди. Шу орқали инфекция лимфатик капиллярлар бўйлаб тарқалади ва лимфангит ҳамда лимфаденит ривожланади. Лимфаденит микроорганизмларнинг антигенларига жавобан лимфопротлифератив тус олиши мумкин.

Бактериал инфекцияга қарши гуморал иммунитетнинг ривожланиши туфайли, лимфа тугунларида асосан В-лимфоцитар майдонда лимфоцитларнинг пролиферацияси кузатилади ва лимфоцитопоз фаоллашади.

В-лимфоцитопоз жараёнида, В-лимфоцитлар дастлаб суяк кўмигида етилади, сўнг талок ва лимфа тугунларига миграцияланиб, у ерда дифференциалланади. Улар лимфоид фолликулалар, герминатив майдон, перилимфоид ҳалқа ва маргинал майдонларда жойлашади. Макрофаглар ва Т-хелпер хужайралар иштирокида В-лимфоцитлар антигенларни аниқлайди, улар билан танишади ва жавобан иммуноглобулин синтезини амалга оширади.


Т-лимфоцитопоз жараёнида етилмаган Т-лимфоцитлар суяк кўмигида яратилади ва кейин улар тимуснинг пўстлоқ қаватига миграцияланади. У ерда, стерил муҳитда, ўртача бир ҳафта давомида кортикал тимоцитларга айланади. Бир ҳафтадан сўнг, кортикал тимоцитларнинг фақат 2-4% яшаб қолади, қолган 96-98% эса апоптозга учрайди ва тимусдаги макрофаглар томонидан фагоцитоз қилинади. Макрофаглар фагоцитозлаган тимоцитлар маҳсулотларини детерминациялаб, сақланиб қолган тимоцитларга тақдим этади ва уларнинг дифференцияланишига ёрдам беради.

Организмга антиген тушганда, макрофаглар уни детерминациялаб, Т-лимфоцитларга тақдим этади. Бунинг натижасида Т-лимфоцитлар бластотрансформация реакциясига учраб, фаол лимфоцитларга, яъни


иммуноцитларга айланади ва антигенга нисбатан цитотоксик таъсир кўрсатиб, уни йўқ қилади (5-расмга қаранг).

**Йирингли пиелонефрит касаллигининг дастлабки босқичларида** лимфа тугунларида дисциркуляция ва шиш жараёнлари устунлик қилган. Бу ҳолатда ҳам пўстлоқ, ҳам мағиз қаватлар синусоидларининг кескин кенгайиши, уларнинг бўшлиғида тўқима ва хужайра фрагментлари ҳамда микроорганизмлар мавжудлиги аниқланган. Кейинчалик лимфа тугун паренхимасида лимфоцитопозитик реакция фаоллашиб, пўстлоқ қават лимфоид фолликулалари ва паракортикал қаватида лимфоид ҳамда моноцитар-макрофагал хужайралар пролиферацияси аниқланган (6-расмга қаранг).

Лимфоцитопозитик реакция бошланишида дастлаб бирламчи фолликулаларнинг тарқоқлашгани ва майдони кенгайгани кузатишган; таркибидаги лимфоцитлар, макрофаглар ва ретикуляр хужайралар фаоллашган ва сийрак жойлашган. Бу ҳолат бактериал инфекцияга жавобан лимфа тугун пўстлоқ қаватида В-лимфоцитопозез устун эканлигидан далолат беради.



**5-расм.** Лимфа тугун пўстлоқ қаватидаги бирламчи лимфоид фолликула. Оралиқ моддада кучли шиш кузатишган, лимфоцитлар тарқоқ ҳолда жойлашган, уларда титилиш ва гиперхромазия белгилари аниқланади. Гемотоксилин-эозин бўёғи билан бўялган. Катталаштириш: 10×40



**6-расм.** Лимфа тугун тўқимасининг умумий кўриниши. Йирингли пиелонефритнинг бошланғич босқичида синусоидлар кенгайган, пўстлоқ ва паракортикал қаватларда гиперплазия кузатишган. Гемотоксилин-эозин бўёғи билан бўялган. Катталаштириш: 10×10

Лимфоцитар ҳалқа таркибидаги кичик шаклли лимфоцитлар тўлик такомил топган ва етилиб бўлган лимфоцитлар бўлиб, улар мағиз қаватига миграцияланади. Мағиз қаватидаги синусоидлар ва оралиқ юмшоқ тасмаларда улар плазматизация жараёнига учрайди ва плазматик хужайраларга айланади. Бу хужайралар иммуноглобулинлар синтезлаб, мавжуд микроорганизмлар антигенларига мос келадиган антителаларни ҳосил қилади. Шу орқали гуморал иммун жавоб ривожланади.

